

Бундан буён “БҮЮРТМАЧИ” деб аталувчи Жиззага физик ширкати номидан низом асосида фаолият олиб борувчи Қўшбоқов м. бир томондан ва бундан буён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи Траендан берсов номидан низом асосида фаолият олиб борувчи Саътов Д бошқа томондан, ушбу контрактни қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса қуйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бирлик учун контракт нархи	Контрактнинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Тухум Д2	Дона	600	1000	600000
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
10					
11					
12					
13					
	Жами				600000

1.2. Контрактнинг умумий суммаси Дўшанба мунг сўм ни ташкил қилади

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур контрактни газначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, контракт умумий суммасидан 30 % миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 20 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур контракт билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур контрактга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур контрактга мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш; - товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.